

Биз дарсда мурдаларни очиб ўрганамиз.

16:40 / 27.04.2016 3359

САВОЛ: Ассалому алайкум, ҳазрат! Саволим қуйидагича: мен ТошМИда ўқийман. Биз дарсда мурдаларни очиб ўрганамиз. Шунга фикрингизни билдирсангиз. Жавоб учун олдиндан раҳмат.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

РОБИТА АКАДЕМИЯСИ ЎЛИКЛАРНИ ЁРИБ КЎРИШ ТЎҒРИСИДА

Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!

Саййидимиз Муҳаммадга саловату дурудлар бўлсин!

Робитатул Оламил Исломиё хузуридаги Ислом фикҳи академияси ўзининг Маккаи мукаррамада 1408 ҳижрий санада сафар ойининг 24-28 кунлари (1987 йили 17-21 октябр)да бўлиб ўтган мажлисида ўликлар жасадини ёриб кўриш масаласини кўриб чиқди. Муноқаша ва фикр алмашишлардан сўнг қуйидагиларга қарор қилди:

Ўлик инсоннинг ҳурматини поймол қилишдан устун турадиган фойдаларни ва заруратларни ҳисобга олган ҳолда Робитатул Оламил Исломиё хузуридаги Ислом Фикҳи академияси қуйидагиларга қарор қилди:

Биринчидан: Қуйидаги мақсадлар бўйича ўликларнинг жасадини ёриб кўриш жоиз:

1. Жиноятни аниқлаш учун. Ўлимнинг сабабини ёки содир этилган жиноятни билиш мақсадида. Бу қози ўлимнинг сабабини билиши мушкул бўлиб қолгани учун бўлади. Чунки ёриб кўриш сабабини билишнинг йўлидир.

2.Ёриб кўришни тақозо қиладиган беморликларни аниқлаш учун. Бунда мазкур беморликдан сақланиш ёки унинг давосини топишга хизмат бўлади.

3.Тиб бўйича таълим бериш ва олиш. Бу тиббий таълим муассасаларида бўлади.

Иккинчидан: Таълим мақсадида ёриб кўришда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:

1.Агар жусса маълум шахсга оид бўлса, унинг ўзи ўлимидан олдин рухсат берган бўлиши керак. Ёхуд унинг меросхўрлари ўлимидан кейин рухсат берган бўлишлари шарт. Кишининг жасадини ёришга фақатгина зарурат юзасидан рухсат бўлади.

2.Ёриш фақат зарурат чегарасида бўлиши керак. Ўликнинг жасадини беҳуда қийнамаслик лозим.

3.Аёл кишиларнинг жасадини ёришни фақатгина аёл табиблар ўтказишлари лозим. Улар йўқ бўлсалар бундан истисно қилинади.

Учинчидан: Барча ҳолатларда ёриб кўрилган жасадларнинг барча бўлаклари дафн қилиниши вожиб.

Саййидимиз Муҳаммадга саловоту дурудлар бўлсин!

Алҳамду лиллаҳи Роббил оламийн! Валлоҳу аълам.